



## ТАРАҚҚIЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ЯНГИ МАЪНАВИЙ МАКОН УНИНГ ИЖТИМОИЙ ҚИЁФАСИГА АЙРИМ ЧИЗГИЛАР

(Биринчи мақола)

Хар қандай жамиятни харакатга келтирувчи, ўз олдига қўйган мақсад-муддаони амалга оширишга ундиҳидаган, фуқароларни ижтимоий сафарбарликка йўналтирувчи, олдинда мавжуд ва тасаввур этилган, қийин, аммо бажарилиши шарт бўлган муаммоларни хал этишига рағбат берувчи кўплаб омиллар бор. Улар орасида, фикримизча, эзгу ният, мустаҳкам эътиқод, соглом тафаккур, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз принципларидан чекинмаслик, кучли иродада фазилатлар алоҳида ўрин эгаллади.

Аммо бундай сифатларга эга бўлиш осон эмас. Чунки бунинг учун инсон ўзини қийнаши, ўз "мен"ини топиш йўлида тинмай излашиши, билим олиши, муносиб шахс бўлишини ўзининг ҳаётни маслалага айлантириши керак. Бугун ҳаёт ҳаддан ташкари тезлашиб кетган, одамларда осин йўллар билан фаровон турмуш дараҳасига етиш ниятлари урчуб бораётган, айни вақтда турли ички ва ташки таҳдидлар тобора зўрайтган бир пайтда юкорида санаб ўтилган даражага эришишнинг ўзи бўлмайди.

Давоми 3-бетда



## БУГУННИНГ ГАПИ

## МУАММО ЕЧИМИ – ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ



Тажриба учун қуёш панеллари

Очиқ айтиш керак, мамлакатимизда энергетика соҳасида муаммолар мавжуд ва уни қисқа муддатда ҳал этишининг имкони йўқ. Президентимиз ҳам Олий Мажлис ва Ўзбекистон ҳалкига Мурожаатномасида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Бугун Коракалпогистонда ушбу долзарб масалага ечим топиш, энергия самарадорлигига эришиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича тизимили ишлар олиб борилмоқда. Кейнинг йилларда худуддаги кўплаб объектлар қайта тикланувчи энергия ускуналари билан жиҳозланди.

Давоми 4-бетда

## БУЮК ЎЗБЕК ЙУЛИ

## ИНСОНГА ЭЪТИБОР, СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ



Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳоҳ давлат корхонаси бўлсин, ҳоҳ маҳалла гузари, чойхона, бозор, кўча-кўйда Президентимизнинг Мурожаатномасида билдирилган фикрлар, таклифлар, кўйилган вазифалар, устувор йўналишлар мухокама қилинмоқда. Бу йилги Мурожаатнома ҳам Ўзбекистоннинг ташки ва ички сиёсати параметларини белгилайдиган, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар дастурламали бўлди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йиллардаги устувор вазифалар, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти мезонларини, долзарб йўналишларини кўрсатди. Янги Ўзбекистон келажагани куриш, обод ва баркарор жамият барпо этишининг стратегик йўналишлари, баркамол авлодни тарбиялашнинг маънавий аҳамияти, аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Мурожаатномани тинглаган, кузаттан, танишиб чиқкан кени жамоатчилик вакиллари унда санаб ўтилган барча соҳаларда жиддий ислоҳотларни амалга ошириш заруратини тулиқ англаб етди. Мәърӯзада мазкур ислоҳотлар, ижтимоий ўзгарышларда, Тараккӣ стратегисини белгилаш ва амалга ошириш босқичларидаги фаол иштирок этиш, давлат тузилмалари, ахоли қатлами — барчага фикр-муҳозаҳ, таклиф билдириш учун жаънат платформаси яратилгани кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз Мурожаатномада келгуси йилда амалга ошириши позим бўлған вазифалар тоҳийатини шархлар экан, асосий эътиборни ҳал-кимис фаровонлиги юрт тинчлиги, инсон кадри, манфаатлари каби тамоилларга каради. 2023 йилда давлат сиёсатининг устувор вазифаларини ўз ичига олган концептуални талаб қиладиган механизмлар, мувоффикаштирилган фаолият динамикасига эга олти йўналиш тақдим этилди.

Давоми 5-бетда

## 2023 йил – инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

## ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-ФАН РИВОЖИГА МУСТАҲКАМ АСОС

Бугун Янги Ўзбекистон шароитида ҳаётнинг барча соҳалари чукур ислоҳотлар майдонига айланган. Бу жараёнда ижтимоий соҳанинг асоси хисобланган таълим тизимида ўзгаришлар ҳақида сўзламасликнинг иложи ўй.

Илм-фан тарққиётининг ҳар қандай ютуғи инсоннинг мушкулини осон килишига, унинг муаммоларини қисман бўлса-да, ҳал этишига хизмат қилиши керак. Мамлакатимизда олиб бораётган ислоҳотлар натижаси ўтарор, сўнгги йиллarda таълим тизимини замонавий талаблар асосида ташки этиш бўйича амалий ишлар ҳал килувчи босқичга кирди.

Тарихий жиҳаддан Буюк ишак йўленинг ўзагида жойлашган мамлакатимиз ҳар



соҳада, жумладан, таълим, фан, маданият, санъат ва сиёсат марказида эканини кўришимиз мумкин. Ҳалқимизнинг бой илмий-маданий мероси, бебаҳо меморий обидалар, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, турли осори атикалар, нодир кулёзмалар юртимизнинг кўхна тарихидан сўзлайди.

Давоми 2-бетда

## БОҒДОРЧИЛИК

## ЁНГОҚ, ПИСТА ВА БОДОМЛАРИМИЗ ДУНЁ БОЗОРИНИ ЗГАЛЛАЙДИ

Абу Али ибн Синонинг "Тиб конунлари" асарида ёзилишича, ёнғоқ инсон саломатлиги учун кони фойда, айниқса, организм учун зарур Е витаминига бой, миз фолиатига тўқималари озуқавий миқдорларини тартибловчи воситадир. Унинг таркибида С, В1, В2, PP витаминлари, каротин, хинонлар ва эфир мойи, темир ва кобалт тузлари ҳамда рух моддаси мавжуд.



Давоми 4-бетда











ТААССУРОТ



# “ХИНД ОТЛИ БУ БИР ПАРЧА ЕРИ ОЛАМНИНГ...”

**Ғайрат МАЖИД,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси  
ўринбосари, шоир



Қўлумизда Хиндистоннинг қадим тарихга эта шаҳарларидан бири — Варанасида ШХТ давлатларининг бир гурух қалам ахли иштирикоида бўлиб ўтадиган “Халқаро саёҳатчи ижодкорлар анжумани”га таклифнома ва чипта. “Десам, Голиб, ерим — пок хоки Турон”, деб ўтиг мисралари орқали кўнгилларни мафтун айлаган оташнафас шоир Мирзо Голибининг сўзлари билан айтадиган бўлсак, қайдасан, “Хинд отли бу бир парча ери оламнинг”, дея йўлга тушдик. Ҳазрат боболаримизнинг муборак хоку туробини, кутлуг мерослари — муаззам тарихий обидаларни, илмий ва адабий хазиналарни кўксида асрар келаётган афсонавий хинд ўлкасига ҳамиша муҳаббат билан талпинади одам.

## Онгу шууримизга зиё багишлаган масканлар

Бу йил 1050 йиллиги кенг нишонланиши кўзда тутилган Абу Райхон Берунийнинг Хиндистон бўйлаб саёҳат кылгани, Хиндистоннинг қадими адабий тили — санскритин, хинд халқининг урф-одати, турмуши ва маданиятини ўргангани ҳақида ўқиганимиз. У зот ўзининг “Тарих ал-Хинд” — “Хиндистон тарихи” китобида хинд халқининг тарихи, ўша вактдаги иккимомий тузуми, илм-фани ва адабиёти, санъати тўғрисида кимматни маълумотлар кептирган. Махмуд Фазнавӣ, Амир Темур, Бобур Мирзо каби ажоддларимизнинг сехрли турпроқка интилгани тарих китобларida дарж этилган. Назаримда, ана шу сабабларининг ўзиёҳ ҳар биримизни бу жойларни тақор-тақор саёҳат ва зиёрат килишга унди.

Биз Варанасига борашибдан олдин боболарнинг зиёратини ҳам ният қилганимиз. Ўзбекистондан парвоз қўлган учук ана-мана дегучна Дехли кўнгалигасига бориб тушди. Мехмонхонага юкларимизни кўйиб, Дехлидаги ажоддларимизга тегиши ёдгорликларни кўриша отландик. Ўзбек, урду ва хинд тилларидаги муштарак сўзлар бўйича тадқиқот олиб бораётган ёш олим дустимиз Музаффар Ҳакбердев анча йиллардан бери хинд дидерида истоқим килиб келади. У бизга хамроҳлик килаётгани учун кўнглимиз түк. Тарих китоблари орқали билган, ўқиган жойларимиз ҳақида айтсан кифоя, бизни ўша манзилга олиб боради ва улар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб беради.

Ҳазрат Захририддин Мухаммад Бобур хинд ўлкаси ҳақида шундай ёзган: “Хиндистон мамолики васеъ ва пурмадум ва пурхосил вилоят воқеъ бўлубтур. Шарки ва жануби, балки гарби ҳам Мухит дарёсига мунтажиҳ бўлур. Шимоли бир тогдурмиз, Хиндистондикош Кофиристон ва Кашир тоглари билан пайвастор. Гарби-шимоли Кобул, Газни ва Қандоҳар воқеъ бўлубтур. Жамиъ Хиндистон вилоятининг пойтахти Дехли ёрмиз”.

Мана, биз ҳам Дехли бўйлаб саёҳату зиёратимизни бошлидик. Қизил қалъа, Хумоюн макбараси ва Жомъе масқид зиёратида саёҳатига келганларинг сон-саноғи ўйқ. Бирор мъеморнинг иштиғи маҳлий, бирор тошпарни ўйиб ишланган нақшларга мафтун, янга кимдир, ахил сукутга чўмий, лаблари пиҷирлаб дуои хайрлар кимлоқда. Бизнинг қалбимизни шу ҳолатларнинг барчаси қамрап олган десам, муболага бўлмас. Музаффар Ҳакбердев бизни Низомиддин Авлиё, Амир Ҳусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Голиб каби улуттошларнинг зиёратига олиб борди. Бу кутлуг масканлар зиёрати шууру онгимизга зиё багишлади. Рухумиз ингил тордиган. Уларнинг азиз номлари ватанимиз — Ўзбекистон билган боғлиқ экани кўнглимида.

## Маним куйим, най навоси кўхна Дехли...

Шом ҳадди зиёратдох худудига кириб бордик. Тор кўчалар. Одамлар гавжум. Камига у ён-бу ённингиздан реқса, мотоцикли, яна ҳандайди автоуловлар ўтиб қайтаверади. Қизик, бирор бирорвога халал бермайди. Ҳар ким ўз ўй-фирки билан юраверади. Зиёратдохга боргунга кадар савдо расталари. Бу савдо расталарida ширинлик дейсизим, мева-чева, эсадалик буюмлари дейсизим!.. хуллас, ҳамма нарса бор. Бирор биз қўронғи тушмасдан зиёрат қилиб олсан бўлгани.

Дастлаб Шайх Низомиддин Дехлавий Холидай, эл орасида Шайх Низомиддин Авлиё номи билан шурхат қозонган улут тасаввufу пири макбасига бордик. Ҳазрат Алишер Навоийнинг

“Насойим”ида бу улуг инсон ҳақида шундай сўзлар ёзилган: “Хинд машойхининг машохидиндур. Илм таҳсилни ва тақмидин сўнгра Дедли жомеъида басар элтур эрди. Бир кечар саҳар вақти музазин минора устига чиқиб, бу оятни ўқидиким, (мазмуни: иймон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳининг зикрига ва нозил бўлган Ҳак — Куръонга мойил бўлиш вақти келмадими?) ани эшитгач, холи мутагайир бўлди ва ҳар жонибдин анга анвор бўла кириши. Чун тонг отди, зоту роҳисасиз юз Ҳазрат Шайх Фариддин Шаккарлангиз хизматига кўйди. Ва мурид бўлди ва камол мартабасига етти. Ҳазрат Шайх анга толиблар такими икозати бериб, Дехлига узатти. Анда иродат ахли тарбияга ва тақмилга машул бўлди. Ва Ҳусрав Дехлавий ва Ҳасан Дехлавий анинг муридларидурлар”.

Зиёратта фақат мустумонлар эмас, турли динга эътиқод килаётган излилар хам бораверар экан. Ҳар ким ўз одатича зиётар амалларни бажармоқда. Биз ҳам испом анъаналарига мувофиқ, улуг шайх ҳақига икки калима Куръон ўқидик.

Яна Ҳазрат Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарига мурожаат киламиз: “Ҳусрав Дехлавий. Лақаби Яминуддинур. Отаси Лочин қабилисигин улуғларидан ёрмиз ...Хиндистонда машҳурдур, турк дерлар... Дерларки, кирк йил даҳр рӯзаси тути ва дерларки, Шайх Низомуддин Авлиё ҳамроҳлигидек, анини шайхидур, таййи арз тарки била ҳаж гузорлабур ва беш катла Ҳазрат Рисолат саллопуллоҳу аляхии валисламни вожеъда кўрлабур... Шайх Саъдийнинг ўйигитлигига кўрб, хизматига мушаррафа бўлғон экандур... Мен бу туркнинг, яны Ҳусравнинг кўнигини куқиши билан фарҳ кипғумдур... Ул жумъа кечаси етти юз ўйигрима бешда дунёнин ўтубдур ва умри етмис тўртга етган. Шайхнинг (Низомиддин Авлиё) обиги сари дағори килидурлар”.

Алишер Навоий Ҳазрат айтганидек, Амир Ҳусрав Дехлавий Низомиддин Авлиёнинг оёқ сариди мангу кўним топган. Зиёрат асносида бир хинд кизининг кўзида ёш билан Амир Ҳусрав Дехлавий қабри устига гул сочайтанига гувоҳ бўлди. У дуоларини ўз тилида хиргойи килиб айтади. Шу пайт зиёраттох мутасаддилиаридан бўлса керак, катта дафтар олиб келип, ишмизими зиёшишимизни, бизни дуо килиб туршипарни айтди.

Зиёраттох яқинида Увайс Қараний, Мирзо Голиб каби мұхтарам зотларинг қадамжолари

“

ҲИНДИСТОНДАГИ САФАРИМИЗ УЗОҚ ВАҚТЛАРГАХА ҲОТИРАМИЗДАН ЎЧМАСА КЕРАК. БУТУН САФАР ДАВОМИДА БИЗГА ҲАМРОХЛИК ҚИЛГАН ВАРАНАСИ ШАХРИНИНГ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАБЛИМИ РАҲБАРИ ШАШАНК ШЕКХАРНИНГ ХИНД, ДИЁРИ ВА ҲАЛҚИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲИКОЯЛАРИ, БЕОЗОР ҲАЗИЛЛАРИ ҲОЗИР ҲАМ КЎНГЛИМИЗДА АКС-САДО БЕРИБ ТУРИБДИ.



бор экан. Зиёратларни тугал қилиб, дилимиз ҳам ёриши. Кўнглимидан ўтган ёруғ туйғулар шеърий сатрларга айланди:

Қанча созу нағмаларга саҳна Дехли,  
Маним кўйим, най навоси кўхна Дехли,  
Дилсизларнинг кўнглига сол раҳна, Дехли,  
Амир Ҳусрав, Мирзо Голиб зотлар каби.

Зор-интизор, мудом ишқа ҳаста кўнгил,  
Манзил сари бораётган аста кўнгил,  
Баланд бўлил, ҳеч вақо ўйк пастоҳ, кўнгил,  
Амир Ҳусрав, Мирзо Голиб зотлар каби.

Сизга айтсан, маним кўнелим шаҳри ишқидир,  
Самарқанди Кешдан етган баҳри ишқидир,  
Чашми гирёнларим асли нахри ишқидир,  
Амир Ҳусрав, Мирзо Голиб зотлар каби.

Илдизи ўйк тог бўлса ҳам нураб кетгай,  
Хоруниссан, бир кун айшу тараф кетгай,  
Нур кўрдими, кўнглип унга қараб кетгай,  
Амир Ҳусрав, Мирзо Голиб зотлар каби.

Мусибат ҳам, саодат ҳам тақдир асли,  
Қисматда бор, Яратгандан тақдир асли,  
Тақдир деган анғалангаҳа ҳақидир асли,  
Амир Ҳусрав, Мирзо Голиб зотлар каби.

Илдизи ўйк тог бўлса ҳам нураб кетгай,  
Хоруниссан, бир кун айшу тараф кетгай,  
Нур кўрдими, кўнглип унга қараб кетгай,  
Амир Ҳусрав, Мирзо Голиб зотлар каби.

Тожмаҳал 1983 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжоҳон мероси рўйхатига киритилган, 2007 йилда жаҳоннинг янги мўъжизаси, дея этироф этилган. Биз этга тонгда борган бўлғас-да, чипта олиш учун бир муддат наъбатда туришимизга тўғри келди. Қизиқи, Тожмаҳал кўриши учун кунига тахминан қанча зиёратчи келишини сурдим. Кассада турган киз жилмайб, юз мингта яқин, деди. Унинг айтисида, бир йил давомида бу ерга беш миллиондан ортик саёҳи ташриф бўйор экан. Бу кўнглимда ҳаракат ва ифтихор билан бирга озигина маҳзунлик ўйғоттанини ҳам яширмайман. Сабаби, эҳтиом, тақдир Мирзо Бобурни Ҳинд сорига бошламаганида бу

мўйжиза каср юртимизда курилган бўлармиди? Энди буниси шоир кўнглимдан кечган бир орз, бир армон-да...

Тожмаҳал обидасидан кўзимиз узолмай термулиб турар эканман, ҳинд ҳалқининг буюк мутадақир адаби, Робиндант Тхокурнинг Тожмаҳалга берган нури таърифи хаёлимидан бот-бот ўтаверади: “Абадийик юзиадига кўз ёш”. Менинг кўзим ёшлари юрагимга томмокса. Шоид, улар дилларга ҳарорат багишлайдиган шеърлар — тожмаҳалларга айлансан, дея орзу килимиз. Навоий Ҳазратнинг “Фарҳод ва Ширин”да шундай мисралар бор: “Умидимга менинг курсанд этил, умидим буки уммидинга етгил”. Аллоҳ бордикан танишдик.

Саёҳати ижодкорлар фақат тарихий обидалар, музейлар, шаҳар кўчалар билан танишишибгина қолмай, ҳинд улқасининг ўзига хос табиатидан ҳам баҳраманд бўлди. Чандра Прабҳа ёввойи табиати ҳунармандларнинг бир неча авлоди яшар экан. Илак матолар кўлда ҳам, замонавий техник ускуналарда ҳам тайёрланади. Табиий, кўл билан тайёрланган матоларнинг нархи анчанина киммат. Илак матолар, асосан, сабзавот-кўкватлар, табиати қўйинида саёҳатларни овқатлар унча кўп эмас, асосан, сабзавот-кўкватлар, табиати қўйинида саёҳатларни овқатлар.

Варанасига борашибдан олдин боболарнинг зиёратини ҳам ошхонаси, хуллас, барча шаҳри килишади. Музылларни сурдим. Ҳиндистоннинг тарихий обидаларни овқатларни килишади. Ҳиндистоннинг тарихий обидаларни овқатларни килишади.

Баронор мўјжизаларни овқатларни килишади. Ҳиндистоннинг тарихий обидаларни овқатларни килишади.

Мирзапур Мирзо Бедилни шарафлайди

Биз Варанасига яқин худудларда жойлашган Мирзапур, Чунар туманларига хам бордик. Дарвоже, Мирзапур номи асли шаҳарисабзли мумтоз шеъриятнинг мухташам нағояндаси Мирзо Бедил шарафига кўйилган экан. Мезбонларнинг бу маълумоти дилимизни фахрах тўлдирилди. Биз бу маънзиллардаги ажоддларимиз билан боғлиқ тарихий обидорлардан тортуб, ҳинд ҳалқи учун азиз ва мукаддас бўлган жойлар билан килишади.

Саёҳати ижодкорлар фақат тарихий обидалар, музейлар, шаҳар кўчалар билан танишишибгина қолмай, ҳинд улқасининг ўзига хос табиатидан ҳам баҳраманд бўлди. Чандра Прабҳа ёввойи табиати ҳунармандларнинг бир неча авлоди яшар экан. Илак матолар кўлда ҳам, замонавий техник ускуналарда ҳам тайёрланади. Табиий, кўл билан тайёрланган матоларнинг нархи анчанина киммат. Илак матолар, асосан, сабзавот-кўкватлар, табиати қўйинида саёҳатларни овқатлар унча кўп эмас, асосан, сабзавот-кўкватлар, табиати қўйинида саёҳатларни овқатлар.

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-йй

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова

Мусахих: Рашид Ҳўжамов

Дизайнер: Ҳуршид Абдуллаев